



HAYOT DAVOMIDA TA'LIM OLISH: YANGI PARADIGMALAR VA KUTILADIGAN NATIJALAR

FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Утанов У.¹, Иномова М.²

¹Самарқанд ВХТХҚТМОҲМ доценти,

²Жиззах давлат педагогика институти магистранти

МУСИҚИЙ МЕРОСИМИЗНИНГ ЎРГАНИШ ТАРИХИДАН

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек халқ мусиқа меросининг тарихий жиҳатлари ёритилган. Бунда тадқиқот тарихида ўзбек халқ мусиқа меросининг тарихий томонлари археологик манбаларнинг қиёсий таҳлили атрофлича ўрганилган.

Ўрта Осиёда мусиқа, рақс, кўшиқчилик, қизикчилик ва дорбозлик каби санъатнинг турли соҳалари жуда қадимдан ривожланган. Инсоният тафаккурининг буюк кашфиётларидан бири бўлган мусиқа санъати бизнинг юртимизда ҳам шонли ва қадимий тарихга эга. Мусиқа санъати тарихини ўрганиш жамият аъзолари маънавий қиёфасини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Мусиқа асбобларининг дастлабки топилмалари палеолитнинг дастлабки босқичига (50–40 минг йил аввал) тўғри келади. Улар замонавий жисмоний турдаги (Ҳомо сапиенс сапиенс) одамга тегишли деб ишонилади. Умуман олганда, бу давр чолғу асбобларини мусиқа асбоби деб аташ қийин. Бошқача қилиб айтганда, булар ёрдамида асосан ўзларига тушунарли товушлар чиқарилган. Бугунги кунга қадар археологларга Евросиё худудида 250 дан ортиқ мусиқага оид топилмалар маълум. Булар найлар, хуштаклар, зарбли чолғулар, ратчетлар ва бошқалар. Агар улар ясалган хомашё ҳақида гапирадиган бўлсак, топилмаларнинг асосий қисми суяк фонограммасидан



иборат. О‘тмишда товушларни такрорлаш учун мо‘лжалланган тош зарбаларининг белгиларини одатдаги тош зарбаларидан ажратиш жуда қийин. Суякдан ишланган чолғулар улардан анча яхши такомиллашган. Агар биз пуфлаб чалинадиган асбоблари (найлар, хуштаклар ва бошқалар) ҳақида гапирадиган бо‘лсак, уларнинг морфологик хусусиятлари аллақачон биз мусиқа асбоблари билан шуг‘улланаётганимизни тахмин қилишга имкон беради.

Ҳозирча юртимизда мусиқа маданиятининг айнан қайси даврда шаклланганлиги тўла аниқ эмас. Шунга қарамай мусиқа маданияти тўғрисида шоҳидлик берувчи топилмаларнинг энг қадимийсини Археологларимиз бронза даврига оид Сополлитепа ёдгорлигидан топиб ўрганишган. У ерда академик А.А. Асқаров томонидан 1969-1973 йилларда қазув ишлари ўтказилаётган пайтда мусиқа асбоби бўлган най қолдиғи ҳам ўрганилган (Асқаров, 1973- 89 йиллар).

Юртимиздаги яна бир илк мусиқий топилма Самарқанд вилояти Ургут тумани Мўминобод қишлоғидаги бронза даврига оид, яъни миллоддан аввалги III асрга мансуб қабрдан топилган манбадир. У ҳайвон суягидан ясалган мўжазгина сивизги-най бўлган (Асқаров, 1969-70 йиллар). Унинг сақланиб қолган узинлиги 4,2 см бўлиб ташқи томони ҳафсала билан силлиқланган икки томони кўндаланг кесилган, ўртасида эса ромб шаклида тешик бор.

Шу хилдаги бошқа топилмалар эса, Самарқанднинг қадимий ўрни бўлган Афросиёбдан ҳам топилган. Ушбу мусиқа асбоби мил.авв. I асрга оид бир нечта уд чалаётган аёл акс эттирилган терракота ҳайкалчаларидир. Бу шаҳар хоробаларида очиб ўрганилган саройлар, хонадонларнинг деворларида кўплаб мусиқачилар тасвирлари мавжуд. Улардан бирида арфа чалаётган, ғоятда башанг кийинган аслзода аёл тасвирланган бўлса-бошқа бир суратда мусиқачилар гуруҳи ўз аксини топган (Бердимуродов, 2020,74). Бу деворий суратлар ниҳоятда жонли, ҳаққоний тарзда берилганлиги, улар ўз даврининг машҳур мусаввирлари томонидан чизилганлигидан далолат беради.

Мусиқа маданияти мамлакатимизда эрамиз бошларида гуллаб яшнаган бўлиб, у кейинги илк ўрта асрлар даврида ҳам тараққий этиб борган. Археологик маълумотлар санъат намуналари ичида мусиқа санъати янада кенг ривож топиб борганлигини кўрсатади. Бу даврда санъат соҳасида Бухоро қизиқчилари, Самарқанд найчилари, Тошкент раққос йигит ва раққоса қизлари билан шуҳрат топган эди. Чоч раққослари ижро этган машҳур «Чоч ракси» ёки доира чертмасига имо билан елка учуриб тушадиган ўйноқи «доира ракси», Хитой аъёнларини мафтун этиб, уларни ҳайратга солган эди. Биргина Бухоро шаҳрида ҳунармандлар томонидан ўн турдаги чолғу асбоблар ясалган.

Тадқиқотлар қадимги Устушона халқларида маънавий маданиятнинг юқори даражада ривожланганлигини кўрсатади. Бунга яшаётган ҳозирги Жиззах вилояти (Қадимги Уструшона) худудидан ҳам мусиқа асбоблари топиб ўрганилган. Суякдан ясалган най қолдиқлари қадим темирчилар маскани Мик



қабласида археолог Л.М.Сверчков томонидан ўрганилган (Сверчков, 1991, С.16).

Воҳамиздаги яна бир суякдан ясалган най қолдиғи 2019 йилда Зомин тумани, Хатаб қишлоғида бузилган қабрдан топиб ўрганилди. Бу най юртимизда яшаган аҳоли томонидан илк ва ривожланган ўрта асрларда мусиқа асбоби сифатида кенг фойдаланилган. Бу мусиқа асбоби – най, халқимиз орасида “Ғажир най” дейилган. Ушбу найнинг сақланиб қолган узунлиги 23 см, диаметри 2 см. Найнинг устки томонидан 4 та (5 синган) бир хил ўлчамдаги тешикчалар бор. Мусиқашуносларнинг таъкидлашича бу най ғажирнинг бош қанот суягидан ясалган. Бу найнинг илк ўрта асрларга оид қабрдан чиқишига қараганда, ундан фойдаланиш ҳам қадимдан мавжуд бўлган. Яқин вақтларгача Зомин воҳаси, Қашқадарё ва Сурхондарё ҳудудларида бу асбобдан фойдаланишган. Ўз вақтида бу най жуда ёқимли куй таратиши билан машҳур бўлган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, халқимизнинг мусиқий мероси жуда бой бўлган ва бу соҳада ниҳоятда юксалган санъат тарихига эга. Улар қаторига халқимизнинг минг йиллардан буён миллий қадриятига айланиб кетган миллий мусиқаси, халқ ўйинлари, лапарлари, кўшиқ ва айтишувларини ҳам киритиш мумкин. Яна бир аҳамиятли жиҳати миллий чолғу асбобларимизнинг такомиллашувида ҳам муҳим аҳамият касб этган. Бугунги кунда ҳам улар янада кенг тарғиб қилинмоқда ва ўрганилмоқда. Бу шубҳасиз, ёшлар баркамоллигида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Адабиётлар.

1. Асқаров. А.А.Сапаллитепа. – Тошкент: Фан, 1973.
2. Асқаров А.А. Раскопки могильника эпохи бронзы в Муминабаде // ИМКУ – Тошкент: 1969.№8.
3. Бердимуродов А.Е. Амир Темур ва Темурийлар давлати пойтахти. Шарқ юлдузи. № 6. Тошкент, 2020.
4. Сверчков Л.М. Поселение Мик - источник по истории средневековой Уструшани: Автореф.дисс.... канд.ист.наук.- Самарканд,1991.
- 5.Kasimova, O. K. (2016). The Schools for Girls in Central Asia: the Meaning of Education and Methodology. *Eastern European Scientific Journal*, (3).
- 6.Xudoynazarovna, Q. O., & Alisher o'g'li, H. A. (2022). SOCIO-PEDAGOGICAL MATERIAL TO ENSURE THE CONTINUITY OF FAMILY, NEIGHBORHOOD AND EDUCATIONAL INSTITUTION IN THE FORMATION OF SPIRITUAL AND MORAL VIRTUES OF STUDENTS. *Modern Journal of Social Sciences and Humanities*, 4, 342-344
- 7.Qosimova, O., & Jaxbarov, O. (2022). PEDAGOG XOTIN-QIZLAR SHAXSIGA QO'YILADIGAN PEDOGOGIK PSIXOLOGIK TALABLAR. *Gospodarka i Innowacje.*, 22, 643-645.